

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ КАСАБА УЮШМАЛАРИ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Шу кунларда мамлакатимизда Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари билан иборат делегация меҳмон бўлиб турибди.

2024 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ҳамда Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган тадбирда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь, Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Ян Юйдун бошчилигидаги делегация аъзолари, Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари, тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашлари ва Федерация тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов учрашувни очар экан, дунёдаги энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланувчи Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раҳбари Ван Дунмин жанобли ҳамда Хитой Халқ

Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь жанобларига самимий миннатдорлик билдирди.

– Сўнгги саккиз йил давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан Янги Ўзбекистон ҳамда Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди, – деди Қудратилла Рафиқов. – Бунинг асосий омиллари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончли алоқалардир. Икки мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорликдан келиб чиқиб, касаба уюшмалари ўртасида ҳам яқин алоқаларни йўлга қўйишимиз зарур. Чунки ўзаро тажриба алмашиш орқали биз бир-биримиздан кўп нарсаларни ўрганишимиз мумкин. Хитой ва Ўзбекистон касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар жуда кўп.

2 >>



Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 9 октябрь куни Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаси билан танишди.



8 октябрдан эътиборан «Қўқон – Бухоро – Қўқон», «Фарғона – Самарқанд – Фарғона» йўналишида «SILK AVIA» компанияси самолётлари парвоз қила бошлади.



Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида Туркий Давлатлар Ташкилоти (ТДТ)га аззо давлатлар соғлиқни сақлаш вазирларининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманда ТДТ мамлакатлари мутахассислари учун орган ва тўқималар трансплантацияси соҳасида билим, тажриба алмашиш имконини берувчи «Турктрансплант» йратилиши баённомаси имзоланди.



Солиқ қўмитаси раиси Шерзод Қудбиев бошчилигидаги делегация амалий таширф билан АҚШда бўлиб турибди.

Таширф доирасида Вашингтонда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Фискал масалалар бўйича департаменти директори ўринбосари Катерина Баер бошчилигидаги ХВЖ вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Тожикистон электр тармоқларини қўшни Ўзбекистон билан ўзаро боғлаш орқали Марказий Осиёнинг ягона энергия тизимига (ЯЭТ) қайта улаш лойиҳаси учун 15 миллион доллар микродоғалар қўшимча грант маблағлари ажратилишини маълумлади.

Қўшимча маблағлар Тожикистон шимолида, «Суғ» нимстанцияси ва Ўзбекистондаги «Янги Сирдарё» нимстанцияси ўртасида 22 километр узунликдаги 500 киловольтлик янги электр узатиш линиясини қуриш имконини беради.



Мақтабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова Францияда бўлиб ўтган Халқаро Франкофония ташкилотининг 19-саммити доирасида Когоко lingua компанияси асосчиси Натали Ласслет билан учрашди.

Учрашув якунида келгуси бир йил давомида 12 та мактабгача таълим ташкилотида бепул тарзда француз тилини ўқитиш бўйича келишув имзоланди.

Касаба уюшмаси оралашгач...

ЎЗ ХОҲИШИГА КўРА БўШАТИЛМАГАН ЭДИ

Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи Бош қомусимиздан ташқари, Меҳнат кодекси ва бошқа қатор ҳужжатларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган бўлса-да, айрим иш берувчилар бунга амал қилишмайди.



Яна бир гап, ўз хоҳишига кўра бўшатилган одамнинг ишга қайта тикланиши амримаҳол. Шу боис бирор ходимдан қутулмоқчи бўлган иш берувчи, қандай қилиб бўлмасин, уни «ўз хоҳишига кўра» ишдан бўшатилиш пайда бўлади. Бунинг учун яхши гапирини, қоп-қоп ваъдалар бериши мумкин, пўписа ёки босим ўтказиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, энг муҳими, аризани ёздириб олса, бўлди... Бошқа тоифадаги айрим иш берувчи-

лар ҳам борки, улар ходимини бола парваришlash таътилига чиқариб юборди ва унинг қайтиб ишга чиқишига монелик қилади. Бундай пайтда «закунчи» бўлмаган, ўз ҳуқуқини талаб қилмаган ходим ишсиз қолиб кетаверади. Кармана туманида яшовчи Мафтуна Бозорова худди шундай муаммага рўбарў келди.

Гап шундаки, у Кармана тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бў-

лимнинг навбатчи ҳамшираси вази-фасида 0,5 ставкада ишлаб келган. 2022 йилнинг сентябрь ойида бола парваришlash учун таътилга чиққан. 2024 йил бошида ишга қайтиш тўғрисида иш берувчи ариза киритган. Бирок иш берувчи меҳнат қонунчилигига амал қилмай, Мафтунанинг ишга чиқишига тўқсинлик қилиб, ўз билгича йўл тутди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ ҳамда меҳнат техник инспекторлари мазкур масала юзасидан иш берувчига кўрсатма хати киритди. Шундан сўнг ходим аввалги ишига қайта тикланди.

Шу ўринда ўзини билса – билмаганга, кўрса – кўрмаганга олиб юрвчи баъзи иш берувчиларга эслатиб қўймоқчимизки, Меҳнат кодексининг 234-моддаси 1-қисмига кўра, хомилдорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, нафақа тўла-ниши белгилаб қўйилган.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

САЙЛОВДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ КУНЛАРИ ВА ВАҚТИ БЕЛГИЛАНДИ

Марказий сайлов комиссияси (МСК) мажлисида сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлмаган сайловчилар учун 2024 йил 16-23 октябрь кунлари муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди.

Муддатидан олдин овоз бериш кунлари сайлов участкаларида овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар, дам олиш кунлари эса соат 11:00 дан 17:00 га қадар давом этиши белгиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ўшбу сайлов участкалари жойлашган давлатдаги маҳаллий вақт билан соат 9:00 дан 18:00 га қадар амалга оширилади.

БАНКИРЛАР ЎЗ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Халқ банки АТ Оптириқ филиали ходимлари О.Турдиқулов ҳамда О.Отажонова ноҳақ ишдан бўшатилгани юзасидан кенгашимизга мурожаат йўллаб, амалий ёрдам сўрашди.

Шу асосда олиб борилган текширувлар жараёнида аён бўлишича, иш берувчи, ҳақиқатан ҳам, ходимларни лавозимидан озод қилишда Меҳнат кодексининг айрим бандларига зид иш тутган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига ишга тиклаш бўйича даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига би-

ноан, О.Турдиқулов ҳамда О.Отажонова ўз лавозимига қайта тикланди. Бундан ташқари, бекор юрган кунлари учун хар бирига 30 миллион сўмдан иш ҳақи, маънавий зарар учун эса 3 миллион сўмдан ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли 1211 «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ КАСАБА УЮШМАЛАРИ:**ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ**

<< 1

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тарихий манбаларга кўра, эра-миздан аввалги 138-йилда Хитой императори У-Ди ўз вакили Чжан Цянни Марказий Осиёга юборган. Элчи Чжан Цян хуннларга қарши иттифоқчи қидириб келган. Кейинчалик унинг юрган йўлларида Хитойни Марказий ва Ғарбий Осиё билан боғлайдиган қарвон йўллари пайдо бўлган. Бу йўл Буюк Ипак йўли деб номланган ва унинг узунлиги 12 минг километрни ташкил этган. Йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойнинг Сиань шаҳридан бошланиб, Туркистон, Марказий Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизигача чўзилган.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Хитойга уюштирган давлат ташрифи ушбу ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлади. Ҳозирги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатлар энг юксак босқичга чиқиб, юқори динамикада ривожланмоқда.

Биринчидан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида 113 та давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро шартнома, 82 та идоралараро ва 88 та бошқа турдаги ҳужжатлар имзоланган. Иккинчидан, кейинги уч йил мобайнида Хитой Ўз-

бекистоннинг ташқи савдо соҳасидаги асосий шериги бўлиб келмоқда. Учунчидан, икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми 2024 йилда 14 миллиард долларга етиб, рекорд даражада ўсди. Тўртинчидан, Янги Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокидаги 2 минг 685 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир Ўзбекистонга кириб келган Хитой сармояси 17,6 миллиард долларни ташкил этмоқда. Бешинчидан, Ўзбекистон Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» халқаро ташаббуси доирасида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги дастурларда фаол иштирок этмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Цзюнь таъкидлаганидек, икки мамлакат ўртасидаги муносабат энг яхши даврни бошдан ўтказмоқда. Бу халқаро ва минтақавий масалаларда бир-биримизни қўллаб-қувватлаймиз, дегани.

– Хитой Ўзбекистонда ислохотлар жараёни қандай муваффақиятли кечаётганини, Янги Ўзбекистон қурилиши ҳам муваффақиятли давом этаётганини эътибор ва диққат билан кузатмоқда, – деди элчи жаноблари Юй Цзюнь. – Албатта, бу ишлар бизни қувонтиради. Бундан хурсандимиз. Чунки халқаро ҳамкорлик катта ва янги имконият, деб ҳисоблаймиз. Ўтган йили Хитой билан ўзаро савдо Ўзбекистон учун хорижий ҳамкорлар орасида 1-ўринни, шу жумладан, Хи-

тойдан жалб қилинган инвестициялар ҳам биринчилиكنи эгаллади. Бу йил ҳам яхши натижалар кутилмоқда. Ҳозир Хитойда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам касаба уюшмалари муҳим ташкилотлар ҳисобланади. Демак, икки мамлакат касаба уюшмалари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда меҳмонларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг жамиятда тутган ўрни ва меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тажрибалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Ўз тизимида 14 та тармок касаба уюшмаси, 14 та ҳудудий кенгаш ва 38 мингдан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотларини бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси учун сўнгги саккиз йил муҳим воқеаларга бой бўлди.

Хусусан, шу давр мобайнида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди, ижтимоий меҳнат масалалари бўйича Комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 24 та Конвенцияси ва битта протоколи ратификация қилинди. Меҳнаткашлар манфаатларидан келиб чиқиб, 5 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига таклифлар берилди. Шунингдек, Федерация тизимида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси, Малака ошириш институти ва Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи ташкил этилди.

Бундан ташқари, тизимда Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси, Болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ташкил этилди. 2017 йилда Федерация тасарруфида 17 та санаторий бўлган бўлса, сўнгги 7 йилда уларнинг сони 31 тага етказилди. Болалар оромгоҳлари сони эса 107 тага етди. «Аёллар дафтари» тизими орқали 3,5 миллиондан зиёд хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. 2022 йилда Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмалари Кенгаши ташкил этилди.

Учрашувда Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Ян Юйдун икки давлат касаба уюшмалари ўртасидаги алоқаларни юқори баҳолади.

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятига таклиф ва меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдираман, – деди Ян Юйдун. – Хитойда касаба уюшмалари 1925 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозир 200 миллионга яқин аъзони бирлаштирган 2 миллиондан зиёд куйи касаба уюшмалари

мавжуд. Биз ҳар бир ташкилотни уюшмага аъзо қилиб, мамлакатимиз сиёсатини тарғиб қилиш ва иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз. Бизда 200 мингдан ортиқ ишчи-ҳодим дам олиши ва соғлиғини тиклаши учун муассасалар мавжуд. Бугунги кунда дунёнинг 100 га яқин мамлакати билан ҳамкорлик шартномаларига эгамиз. Улар сафига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам қўшилаётгани биз учун шарафдир. Биз тез-тез бир-биримизнинг юртимизга ташриф буюриб, янги тарих яратиши-мизга ишонаман.

Мулоқот давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши раиси Нусуратулла Пардаев, Федерациянинг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Нодира Гойибназарова, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари республика кенгаши раиси – Федерация раиси ўринбосари Анваржон Абдумухторов ва бошқалар сўзга чиқиб, соҳадаги ўзгаришлар, ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуман очиб, дўстона ва самимий руҳда ўтди. Якунда Ўзбекистон ва Хитой касаба уюшмалари ўртасида меморандум имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни делегация аъзолари бир қатор диққатга сазовор жойларда бўлишди. «Янги Ўзбекистон» боғида Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйилди. Кейинги манзил Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси бўлиб, делегация аъзолари у ердаги шароитлар билан танишдилар ва ёдгорлик учун дарахт кўчати ўтказдилар. Делегация аъзолари Касаба уюшмалари тарихи музейига ҳам ташриф буюриб, музейда сақланаётган бебаҳо ҳужжат ва экспонатларни катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Шунингдек, делегация аъзолари «Uztext Tashkent» корхонасида бўлиб, у ерда ишчи-ҳодимлар учун яратилган шарт-шароитлар ва меҳнат муҳофазаси ишларини кўздан кечиришди. МЧЖ ишлаб чиқариш қуввати 6 минг тоннани ташкил этиб, ҳозир 582 нафар ходим доимий иш билан банд. Уч йиллик даромади 685 миллиард сўмдан ошган.

Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси делегациясининг ташрифи давом этмоқда. Улар Самарқанд шаҳрига ҳам ташриф буюриб, бошланғич ташкилотлар фаолияти билан танишишни режалаштиришмоқда.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ,
Дийрбек ҒАНИЕВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
КЕЛАЖАГИ
ЯНАДА ПОРЛОҚ
БЎЛАДИ!**

Яо ЛИ,
Умумхитой касаба уюшмалари
Федерацияси Халқаро
департаменти директори
ўринбосари:

– Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Жуда катта таассуротларга эга бўлдим. Очиги, авваллари мамлакатингиз ҳақида бутунлай бошқача тасаввурга эга эдим. Лекин ватанингиз мен кутгандан ҳам гўзал экан. Айниқса, «Янги Ўзбекистон» боғида унинг тарихи билан яқиндан танишиши асноси буюк ва қудратли давлат эканлигига амин бўлдим. Ишончим комил, Ўзбекистоннинг келажаги зўр бўлади. Бошқа соҳаларда бўлгани каби касаба уюшмаларида ҳам катта ислохотлар амалга оширилаётгани бизни беҳад қувонтирди. Ҳамкорлигимиз мамлакатларимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўлишига ишонаман.

**БИЗНИ ЯҚИН
ҚАДРДОНЛАРДЕК
КУТИБ ОЛИШДИ**

Лю ЮйФЭН,
Хитой темирйўлчилар касаба
уюшмалари Федерацияси
раисининг ўринбосари,
«Мао Цзэдун» локомотиви
машинистлари 12-қўмондони,
давлат меҳнат аълочиси:

– Мени бир томондан энг ҳайрон қолдирган, иккинчи тарафдан хурсанд қилган ҳолат шу бўлдики, бу ернинг одамларида қандайдир самимийлик ва меҳрибонлик бор экан. Гарчи юртингизга биринчи марта келган бўлсам-да, бизни худди эски қадрдонлардек қўтиб олинишимиз мени ҳайратлантирди.

Ташриф давомида муҳим ташкилот ва муассасаларда бўлдик. Меҳнат муносабатлари йўналишида фаолият олиб бораётган академия менга жуда манзур бўлди. Касаба уюшмаларининг тажрибали мутахассиси сифатида шунини айтмоқчи-манки, академия ниҳоятда замонавий қурилган. Шубҳасиз, келажакда бу даргоҳдан соҳанинг энг илгор ва билимдон лидерлари етишиб чиқади.



